24 (458)
2005 йил 15 июнь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Спортчи аёллар — замона кўрки
▶ "Озодлик" оиласининг сири..."

3
▶ Ер бору, заҳматкаш йўқ
▶ "Кангли-шифо"дан шифо

4
▶ Тилло ипаклар-ла тикилган дўппилар
▶ "Кумуш жони Зайнаб тутган заҳарда қолди..."

ЮРТИМИЗ МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ ЮТУҚЛАРИ

Андижон вилояти

АНДИЖОННИНГ ПИЛЛА ХИРМОНИ

Вилоят пиллакорлари пилла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарди. Давлатга 2230 тоннадан ортиқ қимматли хомашё сотилди.

Бу муваффақиятга, аввалам-бор, тайёргарлик ишларининг яхши йўлга қўйилгани, озуқа базасининг мустаҳкамланганги туфайли эришилди. Тутзорлар кенгайтирилиб, 2 миллиондан ортиқ кўчат ўтказилди. Вилоятда пиллачиликка ихтисослашган 85 дан ортиқ фермер хўжалиги мавжуд ва улар бу муваффақиятга катта ҳисса қўшди. Қишлоқ меҳнаткашларини рағбатлантириш учун ипак қурти уруғини тарқатишда 438 миллион сўм бўнак ажратилди.

Шаҳрихон туманидаги академик Т.Саримсоқов номидаги ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини бажарди. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 53 килограммдан ортиқ «кумуш тола» олинди.

Умуман, вилоят пиллакорлари 1 миллиард 761 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни мўлжалламоқда.

С.ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИЕРНИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

Янгиер шаҳрининг Бинокор маҳалласида замонавий, ҳар томонлама қулайликка эга гузар фойдаланишга топширилди. Янги гузарда маҳалла идорасидан ташқари бир қатор савдо-сотиқ, маиший хизмат кўрсатиш ҳамда умумий овқатланиш ва тадбиркорлик шохобчалари ўрин олди.

Хоналардан бирида тикув цехи ташкил этилди. Бу ерда ёшлар бичиш-тикиш, зардўзлик либослари тикиш ва болалар учун юмшоқ ўйинчоқлар тайёрлаш сирларини ўрганадилар. Гузарда китоб дўкони ҳам ишлай бошлади. 20 нафардан зиёд маҳалла ёшлари янги иш ўрнига эга бўлди.

Маҳалла гузарининг бунёд этилишига Янгиер йўл индустрия корхонаси, Янгиер туманлараро базаси, «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлими, шаҳар ички ишлар бўлими муносиб ҳисса қўшди.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА.

Қорақалпоғистон Республикаси

АМУДАРЁ ПИЛЛАСИ...

Амударё тумани пиллакорлари мавсумни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Улар 3400 қути ипак қуртини парваришлашди. Натижа эса кутилгандан юқори бўлди. Улар ёз ойининг ўн кунлигида давлатга 162 тоннадан зиёд "кумуш тола" топшириб бу борадаги шартномавий режани уддалашди.

Бухоро вилояти

Чўл ҳудудида деҳқончилик қилаётган Қоровулбозор тумани ғаллакорлари нашки вилоятда, мамлакатимизда ҳам биринчи бўлиб ўрим-йиғимни муваффақиятли якунлади. Эрта пишиб етилган ҳосил ўта қисқа муддат — тўрт кунда йиғиб олинди.

ҚОРОВУЛБОЗОР ҒАЛЛАСИ...

Натижа жуда қувончли ва самарали — жами ҳосил 26 минг 540 тоннадан ортди. Ҳар гектар ердан 40,8 центнердан ғалла олинди. «Баҳодир — 2000», «Сафарбобо — 2000», «Ражаббобо — 2000», «Илҳом Юлдуз замини», «Ражаб барака» каби фермер хўжаликларида эса ҳосилдорлик 50 центнерни ташкил қилди.

Бу йил тумандаги барча экин майдонлари 280 дан зиёд фермер хўжалиги ихтиёрига берилди. Дарвоқе, етиштирилган ҳосилнинг 16 минг 580 тоннаси деҳқонлар ихтиёрида қолди. Ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш бошлаб юборилди.

Э.ЁДГОРОВ,
ЎзА мухбири

10-11 июнь кунлари Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежида республика аёллар спартакиадаси беллашувлари бўлиб ўтди.

Ислом КАРИМОВ: ***"Спортнинг миллий генофондни яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг ғурур-ифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа талай соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир"***

МИЛЛИЙ ГЕНОФОНД: УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ ҚАНДАЙ?

1-Республика хотин-қизлар спартакиадаси назаримда шу мақсадга хизмат қилди

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Миллий Олимпия Қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари бўлган 400 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этди.

Спартакиада иштирокчилари спортнинг волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, шашка, арқон тортиш, сузиш турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Энг муҳими, аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда шундай мусобақаларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ғолибларга спартакиада ташкилотчиларининг совғалари топширилди.

Аёллар спартакиадасининг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
Лутфулла СУВОНОВ,
ЎзА мухбирлари.

Замонавий тиббиёт қанчалик ривожланмасин, хасталикларнинг тури ҳам, дори-дармонларнинг тури ҳам ортиб бормасин биз тобора саломатлигимиз ўз қўлимизда эканлигига, уни асраш-авайлаш ва наслимизни пок сақлашимиз зарурлигини англаш даражамиз ҳам ортиб бормоқда.

Шу боис ҳам саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом турмуш тарзи қўникмаларини фарзандлар онгига сингдириб, унга кундалик турмуш тарзимизда амал қилишимиздан ҳар томонлама ютишимизни, ҳаттоки, "чўнтагимиз" ютишини ҳам билиб бўлдик.

Мамлакатимизда айнан истиқлол йилларида оммавий спортга, оилавий спортга, болалар ва аёллар спортига берилаётган эътибор бу борадаги ниятлар муштараклигининг яққол намунасидир. Куни-кеча ўз ишини якунлаган биринчи Республика аёллар спартакиадаси бу хайрли ишларнинг амалдаги исботи бўлди, десак хато бўлмас.

Мен спартакиада кунлари Чирчиқ шаҳрининг сўлим бағрида – Олимпиада заҳиралари коллежининг муҳташам залларида, спорт майдонларида бўлиб ўтган мусобақаларни кузатар эканман, спартакиада қатнашчилари бўлган опа-сингилларимизнинг юзи, кўзларидаги мамнуниятдан маъно ва мазмун қидирдим. Нега аёллар шунчалик куюнчаклик билан ҳаракатли фаолият турини танлади, уйида, касб-кори билан боғлиқ ишларда ундан талаб қилинадиган энергия камми? Ёки спортнинг у ёки бу турида ўзининг бутун имконияти, лаёқати, сафарбарлигини кўрсатиши жамиятнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида ўзлигини англашнинг бир йўлимикин? Ҳар қалай бу фикрларнинг барчасида ҳам жон бор. Аниғи шуки, инсон учун қайси фаолият турида эркин хатти-ҳаракат қилиш имконияти кўп бўлса, ўша фаолият тури унинг ўз ақл-идроки воситасида саломатлигини муҳофаза қилиш йўлини белгилашини осонлаштиришини бу аёллар яхши тушунадилар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

СУРАТДА: ***шашка бўйича Андижон вилояти чемпиони, спортнинг ушбу тури бўйича Республика хотин-қизлар спартакиадасининг фаол иштирокчиси Анорахон Дайдибоева.***

2-саҳифада ⇨

МАКТАБЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

Фарғона шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида вилоят умумтаълим мактаблари директорлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирокида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими орқали Ўзбекистон Президенти совғаси — гандбол, баскетбол, волейбол, футбол тўпларидан иборат коптоклар тўплами топширилди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, чекка ва олис қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари қад ростлаб, болалар спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг ўтказилиши маҳоратли спортчилар тайёрлашда ўзига хос поғона бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг мамлакатимизда спорт ривожига муносиб ҳисса қўшаётганини қайд этиб, ушбу совғалар замирида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидладилар. Зотан, улар ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида ҳам спорт билан шуғулланишида қўл келади.

Тантанада иштирок этган жаҳон ва Осиё чемпионлари, Олимпиада иштирокчилари ўқувчи-ёшларга спортда ва ўқишда янги ютуқлар тилади.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Жамғарма ҳаёти

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ: ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР МУҲОКАМАДА

Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.Гадойбоев очди. Шундан сўнг мажлис кун тартибдаги дастлабки масалалар—жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими ва бўлинмаларининг 2004 йил ҳамда 2005 йилнинг ўтган даври, Тошкент шаҳар бўлими ва бўлинмаларининг 2003-2004 йиллар ва жорий йилнинг ўтган даври оралиғидаги фаолияти юзасидан ўтказилган таҳлилий текширув натижалари тўғрисидаги маърузалар тингланди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Республика бошқарувининг 2005 йил учун мўлжалланган режа-тадбирлари ижросини таъминлаш юзасидан жамғарманинг Республика бошқаруви ҳузурида тузилган Комиссия томонидан тасдиқланган режага мувофиқ жамғарманинг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар бўлими ҳамда бўлинмалари фаолияти комплекс равишда ўрганилди. Бу жараёнда бўлинмаларнинг барча йўналишдаги, хусусан, ташкилий, молиявий-хўжалик ва иш юритиш борасидаги фаолияти таҳлил этилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Шунингдек, жойларда маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқа ҳамкор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни амалдаги қонунчилик доирасида йўлга қўйиш бўйича тавсиялар берилди.

Кун тартибидаги навбатдаги масала муҳокамаси Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг 2005 йил учун мўлжалланган режа-тадбирлари ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" дастури ижросининг бориши тўғрисида бўлди. Бу масала юзасидан маъруза қилганлар "Маҳалла" жамғармасининг 2005 йил учун мўлжалланган режа-тадбирлари ҳамда "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастурининг бевосита жамғарма масъул этиб белгиланган бандлари ижросини таъминлаш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, асосий эътибор аҳолининг моддий жиҳатдан эҳтиёжманд қатламларини молиявий қўллаб-қувватлаш, одамларнинг ўз соғлиқларини асрашга масъулият билан ёндошишиларини тарғиб қилиш, тиббий маданиятларини юксалтириш, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар, шунингдек, кенг маҳалла аҳлининг саломатлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, атроф-муҳитнинг ободончилигига эришиш, маҳаллаларда оммавий спорт турларини янада ривожлантириш каби йўналишларга қаратилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга йиғилишда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси кенгайтирилган мажлисининг 2005 йил 5 майдаги қарорини амалга ошириш юзасидан "Маҳалла" жамғармасининг жорий йил 14 майдаги қарори ижросининг бориши, жамғарманинг Урганч шаҳар ва Шовот тумани бўлинмалари фаолиятига доир ва бошқа масалалар муҳокама этилди. Бу борада эришилган ютуқлар эътироф этилиб, йўл қўйилга хато ва камчиликлар танқид қилинди.

Тадбир сўнгида кун тартибидаги масалалар юзасидан жамғарманинг Республика бошқаруви аъзолари ва вилоят бўлимлари раислари ахборотлари ҳамда йиғилиш қатнашчилари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб раёсат мажлисининг қарори қабул қилинди.

МУХБИРИМИЗ

Бир мурожаат таҳлили

ВАКОЛАТ ТУГАГАЧ, ШИКОЯТГА НА ҲОЖАТ?

...Ушбу шикоятнинг дастлабки сатрлариёқ диққатимизни тортди ва ундаги шикоятчининг ўзи мурожаат қилган бошқа идораларидан ўта норозилик кайфиятида, биздан бу ўринда газета орқали аралашувни ўтиниб сўраши шу хат юзасидан муносабат билдиришимизга сабаб бўлди.

У қуйидагича бошланарди: **"Мен ушбу шикоятим билан мурожаат қилган идоралардан ҳеч қандай натижага эриша олмадим. Энди умидим сиздан. Шикоятимни текширишга юбориб ўтирманг, бефойда. Шу масалани газетада чоп этсангиз. Бордию босишга иккиланасангиз, мухбир жўнатинг, фактларни яна бир ўзи текшириб кетсин. Газетада босилмаса, ҳақиқат юзага чиқмаслигига ишонганим учун ушбу шикоят билан сизга мурожаат этишга аҳд қилдим".** Хат муаллифи биздан газетада чоп этишимизни сўраётган шикоят матни газетада нақд бир саҳифани эгаллайди. Уни ўқиб то масала моҳияти ёзилган жойга келгунча Қашқадарё вилояти Косон шаҳридаги Нартибаланд маҳалласи фуқаролар йиғинида маълум муддат давомида масъул котиблик вазифасида ишлаган Хурсанд Итолмасованинг тавалуд кунидан бошлаб, то масъул котибликка киришгунгача кечган ҳаёти, фаолияти, ҳатто турмуш ўртоғи ҳақида ҳам анча-мунча маълумотга эга бўлдик. Бу маълумотлардан кейин шикоятчи масъул котиблик фаолияти давомида қандай ишлагани, унинг фаолиятига одамларнинг қандай муносабат билдиргани ҳақида атрофлича тўхталади: **"...Бирон топшириқ бўлдими — ҳисобот тайёрлаш ёки маълумот бериш, тадбир ўтказиш борми раисимиз Суннатов дарҳол менга етказар, "Шунга ўзингиз бош-қош бўлинг, тайёрланг, сиз чидамлисиз, бу ерда сиздан бошқа қўлидан иш келадиган одамнинг ўзи йўқ" деганча ҳаммасини гарданимга юклаб кетаверарди. Ҳаммасини беминнат, гап-сўзсиз, малолланмасдан бажарардим. Ишлар шу зайлда бораверарди..."** Шикоят мактуби ҳам шу зайлда анча давом этаверади.

2-саҳифада ⇨

— Яна нима дейди?
— Пилла ва ғалла ҳосили мўл бўлди, — дейди.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Р» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ЁШЛАР ПРЕЗИДЕНТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Андижон давлат университетида талабалар ва ўқитувчилар иштирокида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Университет — Фарғона водийсидаги кўҳна ва нуфузли олий ўқув юртларидан бири. Бу ерда 11 минг талаба таҳсил олади. Улар орасида кўпгина таниқли спортчилар, Олимпия ўйинлари, жаҳон биринчиликлари, қитъа ва Марказий Осиё чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бор.

Маросимда сўзга чиққан университет ректори Сирожиддин Зайнобиддинов давлатимиз раҳбарининг 13 май воқеаларига баҳо берилган китоб ҳақида гапириб, ёшларнинг онги ва қалби учун мафкуравий, ахборот хужуми авж олган бугунги кунда маънавий тарбиянинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мураккаб ва хавфли вазиятда ўзини қандай тутиш кераклигини кўрсатиб берди.

13 май куниёқ у Андижонга етиб келиб, бутун масъулиятни ўз зиммасига олди. У андижонликлар, бутун Ўзбекистон халқи, демократик, эркин жамият қурилишини давом эттирадиган ёш авлоднинг тақдири ва хавфсизлигини ўйлаб иш тутди. Кўп раҳбарлар сингари пойтахтдан чиқмай қарор қабул қилиш ҳам мумкин эди. Аммо, Президентимиз фожиали воқеалар рўй берган шаҳарга келиб, вазиятни тезда ҳал этиш учун зарур чоралар кўрди. Оғир соатларда у орамизда, халқ ичида бўлди. У халқига бўлган садоқатини шахсан исботлаб берди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан талабалар террорчиларнинг ҳаракатларини қатъий қоралади.

— Ўша оғир дамларда ота-онам билан бир қаторда, ҳурматли Президентимиз ҳам менинг омонлигим тўғрисида ўйлашига ўзим амин бўлдим,— деди биология факультети 4-курс талабаси Маҳбуба Камолова. — У киши биз ёшларга оталарча ғамхўрлик қилмоқда ва бу қалбимизни ишонч ҳисси билан тўлдирмоқда.

— Зафар ҳалол ва очиқ курашда қозонилади, бегуноҳ одамларни пана қилиб эмас. Тун қоронғусида беркиниб, орқадан ҳужум қилиш фақат қўрқоқ ва хоинларнинг иши, - миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони Зоҳид Жумақуловнинг фикри шундай.

— 13 май воқеалари ҳар биримиз учун сабоқ бўлди, — дейди тарих факультети магистранти Ботир Тожибоев. — Истиқлолнинг келажаги маънавий қудратимиз, қатъиятимиз ва олган билимларимиз, дунёқарашимизга боғлиқ эканини яна бир карра ҳис этдик.

Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида, вилоятнинг бошқа олий ўқув юртлари ва муассасаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Саид ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

МИЛЛИЙ ГЕНОФОНД: УНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ ҚАНДАЙ?

1-Республика хотин-қизлар спартакиадаси назаримда шу мақсадга хизмат қилди

Менинг назаримда, Республика хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан уч босқичда ташкил этилган мусобақаларда иштирок этган салкам бир миллион нафар хотин-қизларнинг спортга бўлган мана шундай муносабати уларнинг шахсий ҳаётида катта аҳамият касб этиши тайин. Мен гаплашган, мулоқотда бўлган республика босқичи иштирокчиларидаги муомала маданияти, ўзаро муносабатлари, ўтказилаётган тадбиларга нисбатан хайрихоҳликлари уларда ахлоқий фазилатларнинг ҳам юқори эканлигини кўрсатди. Шу боис ҳам ҳам мамлкатимизда аёллар ва болалар саломатлигини, миллат генофондини мустаҳкамлаш йўлидаги хайрли ишларни миллий истиқлол ғоямизнинг ҳаёт тарзига айланган қирраларининг намойишидир, деб эътироф этгим келади.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Спортнинг миллий генофондни яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг ғурур-ифтихорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа талай соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир" деб айтган сўзлари аёллар спартакиадасининг бош шиори бўлди, десак адашмаймиз. Зеро, спартакиада ташкилотчиларининг ҳар бир чиқишларида, жумладан, ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномованинг спартакиада очилишида сўзлаган нутқида ҳам айнан шу фикр асосли тарзда зикр этилди.

Генофонднинг яхшилиги ва ёмонлиги масаласи аслида яхлит жамият ва давлат миқёсида муҳокама қилиниши лозим бўлган вазифалардан бири бўлиб, давлатимизнинг бу борадаги имкониятлари йил сайин ортиб бормоқда. Лекин миллий генофонд муаммоси, яъни, миллат аъзоси насл-насабининг кучлилиги ва саломатлиги муаммоси — бу энг аввало ҳар бир инсоннинг, оиланинг муаммоси ҳамдир. Зеро, Аллоҳ Таолло томонидан ҳар биримизга берилган неъмат — саломатлигимизни ўзимиз муҳофаза қилишимиз, унинг учун ўзимиз қайғуришимиз маълум маънода шахсий масалага ўхшаса-да, умуммиллий аҳамиятга моликдир.

Аёллар спорт билан фақат ўзининг жисмоний қувватини тиклаш ва бўш вақтини мароқли ўтказиш учун эмас, балки у орқали соғлом турмуш тарзига амал қилиш, маънавий ва жисмоний камолга интилиш, турли салбий таъсирлар ва зарарли одатлардан халос бўлиш, кучли характерни шакллантириш учун шуғулланади. Спартакиада кун тартибига киритилган саккизта спорт тури — енгил атлетика, волейбол, стритбол, стол тенниси, шахмат, шашка, арқон тортиш ва сузиш ҳар бири иштирокчиларнинг ўзига хос қирраларини яққол очиб берди. Масалан, енгил атлетика билан шуғулланувчилардаги оғирлик, босиқлик, стритболчи ёки волейболчилардаги дадиллик, шижоат, юмор ҳисси билан уйғунлашгандай, шахматчи ёки шашкачи қизлардаги вазминлик, ўзгача фалсафий дунёқараш арқон тортувчилардаги шаддодлик, ҳаётга чанқоқлик, интилувчанлик билан гўёки ҳамоҳангдай. Лекин уларнинг барчасини бирлаштирган ягона ҳиссиёт — юртимизда саломатликка, соғлом авлодни тарбиялашга қўшаётган шахсий ҳиссаларидан мамнунлик бўлди, десам хато бўлмайди.



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Спартакиада қатнашчилари бўлган салкам 400 кишининг саломатликларида муаммо йўқлиги аниқ. Уларнинг орасида мусобақаларда ғолиб бўлишига лойиқ айрим опахонлар бор эдики, улар кичик ёшли фарзандларини ҳам ўзлари билан бирга олиб келишдан чўчимаганлар, одатдагидан ўзгача шароитга мослашиш зарурияти ўзларининг ёки фарзандлари соғлигига путур етмаслигига жуда ишонганлар.

Шуниси характерлики, иштирокчилар орасида ўнлаб уй бекалари бор эди. Уларнинг шижоати ва дадиллигига, ғояга садоқатига тан бермай илож йўқ. Сирдарёлик, қашқадарёлик, самарқандлик бир неча опахонлар билан суҳбатлашганимда шу нарса аён бўлдики, уларнинг оиласидагилар, биринчи навбатда, турмуш ўртоқлари, қайноналари, яқинлари уларнинг спорт билан шуғулланаётганига хайрихоҳ эканлар, вилоят босқичида ҳам уларни роса қўллаб-қувватлабдилар. Сурхондарёлик Нилуфарнинг 5 ойлик гўдак фарзандига қарашгани қайнонаси ҳам келибди. Шубҳасиз, ана шундай фазилатларга эга бўлган спортга фидойи шахслар бизга, ҳаммамизга, миллатимизга керак. Якун шу бўлдики, ҳамма жуда яхши, кўтаринки кайфият билан ўз оилаларига қайтди. Спартакиадада қатнашганларнинг барчаси ғолиб бўлди.

Биринчи аёллар спартакиадасидан келиб чиқадиган айрим мулоҳазалар бор. Бу хулосалар энг аввало иккита кучли асосга таянади: биринчиси — жамиятимизда, халқ орасида спортнинг кўпгина турлари оммавий тус олиб бораётганлиги. Иккинчиси — бу ишга барча-барчанинг — уй бекасидан тортиб, профессионал спортчиларнинг тенг ҳисса қўшаётгани, бу ишларга бош-қош бўлиб турган ташкилотлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлигидир.

Васила КАРИМОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.

Муносабат

ЮКСАК ИРОДАЛИ ХАЛҚИМИЗ БЎҲТОНЛАРНИ ЕНГИБ ЯШАЙДИ

"ОЗОДЛИК" РАДИОСИ: ҲАҚИҚАТ ҒАЛАБА ҚИЛДИМИ?

Ушбу йилнинг май ойида "Mahalla" газетасида чоп этилган мақоламга нисбатан "Озодлик/Озод Европа" радиостанцияси Директорлар кенгашининг муносабатидан мен журналист сифатида мамнун бўлдим: ҳар тугул дунёда ҳақиқатнинг кўзига қарайдиган одамлар бор экан! Эҳтимол кўплаб газетхонларга гап нима ҳақда кетаётгани тушунарсиз бўлса керак. Шу боисдан бир бошдан тушунтириш лозим бўлади.

Мен "Mahalla" газетасидаги "Бўҳтон кўп, виждон қаерда?" деб номланган мақоламда "Озодлик" радиоси Тошкент бўлими мухбирларининг воқеаҳодисаларни ёритишда ҳаққонийликни таъминлаш ўрнига воқеликни хоҳлаганларича бузиб талқин этишни ўзларига эп кўрганликлари, бунинг оқибатида ўзбек зиёлилари кўзи олдида хориж матбуоти обрўси ерга урилганини танқид остига олгандим.

Ушбу мақоланинг газета юзини кўриши нафақат Ўзбекистон, балки хорижий мамлакатлар жамоатчилиги ўртасида мулоҳазаларга сабаб бўлди ва турган гапки, "Озодлик" радиостанциясининг Ўзбекистондаги журналистлари учун унчалик ёқимли бўлмаган оқибатларни келтириб чиқарди. Яна бунинг устига ҳокимият органлари томонидан эмас, балки шу масала муносабати билан Ўзбекистонда ва Прагада фаолият юритаётган ходимларини қайта йўналтиришга қарор қилган "Озодлик" радиостанциясининг юқори раҳбарият тизими томонидан.

Бироқ радионинг ўзбек бўлими директори Адолат Нажимова ва унинг ҳамфикрларини яхши билганим ҳолда, уларнинг одатдаги тарзда ўз хатти-ҳаракатлари учун бутун айбни "Озодлик" мухбирлари "оиласи"га кирмайдиган, аслида фақатгина ижрочилар ҳисобланмиш "айбсиз айбдорлар"га юклаган ҳолда яна шу оқим бўйлаб сузишда давом этишларидан хавотирга тушмаслигим мумкин эмас. Дарвоқе, бу ўринда айтиш жоизки, журналистлар ва маъмурият ўртасида имзоланадиган шартномада журналистларнинг ўз маҳсулотини буюртмачи тавсияси ва топшириғига биноан тақдим этиши назарда тутилган, бу ҳолатнинг ўзиёқ мухбирларни ушбу шартнома шартларини адо этиш учун ҳақиқий аҳволни бузиб талқин этишга мажбур қилади.

"Озодлик"нинг ўзбек таҳририяти томонидан фақатгина салбий мазмундаги материаллар қабул қилиниши, Ўзбекистонда кечаётган ижобий жараёнларни акс эттирган мақолалар эса Адолат Нажимованинг қатъий цензураси остига олиниши сабабли муаллиф ўзгача тарзда ишлай олмайди. Лекин А.Нажимованинг талабига мос ишлаган ҳолатда журналистлар ёлғон-яшиқ маълумотларни тарқатганлик учун жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин бўлган ҳолатгача таваккал қиладилар. Шу боисдан улар асосан тахаллусдан фойдаланишади. Бордию гап нисбатан унча аҳамиятга молик бўлмаган уйдирмалар оқибатига бориб тақалса — балки бунга чидаш мумкиндир. Бироқ, ҳокимиятни мамлакатдаги барча мустақил журналистларга нисбатан қатъий муносабат билдиришга мажбур этиш йўлидаги провакацион хатти-ҳаракатларини оқлаш жуда мушкул. Ахир шу йўл билан республикадаги барча демократик жараёнлар бўғилади, бу эса ўз навбатида нафақат "Озодлик" радиосининг Тошкент бўлими идорасига, балки Ўзбекистондаги бошқа муқобил оммавий ахборот воситалари фаолиятига нисбатан "қош қўяман деб, кўз чиқариш" қабилидаги иш бўлади-ку. Мана, масалан "Озодлик" мухбири Х.Қутбиддиновнинг ўтган йилнинг баҳорида ўз ҳамтовоқларини хорижий элчихоналар ва ҳокимият бинолари олдида норозилик намойиши ўтказишга ундагани, оқибатда эса намойишчиларни милиционерлар томонидан ҳайдалиши ҳақида "қайноқ" репортаж тайёрлаш мақсадида бунинг эвазига тўланадиган қалам ҳақи миқдори ҳақида лоф урганини қандай тушуниш мумкин?

Ушбу мақоланинг аввалида "Озодлик" радиоси Тошкент бўлими бошқарув гуруҳи бежизга "оила" деб аталмади. Чунки бўлим директори Адолат Нажимова барча қонун-қоидаларни четлаб ўтган ҳолда укажониси Х.Маликовни ўз "қаноти остига олганди". Тўғри, кейинроқ уни "Америка овози"га ўтказди, лекин бу билан иш моҳияти ўзгармади: аввал ҳам "Озодлик" радиосига Шухрат, Хурмат ва Қудрат Бобожоновлардек журналистларнинг "оилавий пудрати" хизмат қиларди. Улар бир неча йиллар муқаддам мухолифатнинг етакчилари — М.Солиҳ ва А. Пўлатовлар билан яқиндан алоқа ўрнатгандилар, яъни ўз репортажларини мухолифатчилар учун ўзига хос минбарга айлантиргандилар. Қочоқ миллонерлар — Тоҳир Йўлдош ва Жума Намангонийга ҳам "Озодлик" радиоси бир неча йиллар муқаддам ўз тўлқинларида чиқиш имкониятини яратганди. Ваҳоланки, бу шахслар аллақачонқ Ўзбекистон аҳолиси ўртасида обрўсизланиб қолгандилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мен ва "Озодлик" радиосидаги ҳамкасбларимнинг кўпчилиги Ўзбекистонга нисбатан бу тахлит нохолис хатти-ҳаракатларга қарши эдик, чунки мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган кўпгина ижобий силжишлар аксарият ҳолларда жамоатчилик эътиборидан четда қолиб кетарди. Лекин эфир орқали ёритиладиган эшиттиришларни ҳозирлашда фикр билдириш ҳуқуқидан маҳрум бўлганимиз боис, Адолат Нажимова томонидан татбиқ этилган "ўйин қоидалари"га риоя этишга мажбур эдик. Бош таҳририятга тўғридан-тўғри мурожаат этишга журъат қилишдан эса ишдан ҳайдалиш ғавғоси "анқиб" турарди.

Мана, айни кунда ҳам Адолат Нажимова ўзи ва "оила"сини турли йўллар билан оқлашга ҳаракат қилмоқда. Бироқ, чамаси бу борада унинг ўзига бўлган ишончи шунчалик омонатки, буни "она" атрофидагилар ҳам англаб туришибди, уларнинг сўзларича, А.Нажимова ўзи учун қулай фурсат келишини кутиб туриш учун исталган вақтда Қозоғистон ёки Озарбайжонга "сўриб қолиш" мақсадида айни кунда жомадонлари устида ўтирибди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, мен Ўзбекистонда эркин оммавий ахборот воситалари, жумладан "Озодлик" радиоси фаолиятини бутунлай таъқиқланишига ҳеч бир тарзда интилаётганим йўқ. Аксинча, мамлакат ташқарисидан билдирилган ҳаққоний маълумот, одилона баҳо ушбу мамлакатда демократик жараёнларнинг келгусидаги тараққиёти учун хизмат қилади, деб ҳисоблайман. Лекин бу маълумотлар ҳаққоний ва рўй-рост бўлиши шарт.

Ўйлайманки, мен ўз фикрларимни аниқ ифода этдим, аммо хулосани мен ясамайман. Шу боис, "Озодлик" радиосининг Прагада жойлашган раҳбарияти соғлом фикрлашга, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ва бу хатоларга келгусида йўл қўймаслик учун чоралар қўллашга қодир бўлади, дея умид боғлашдан ўзга чора йўқ.

Шухрат УЛУҒЗОДА
C-asia.org

Пенсионер Анфим Хлизовнинг "Уйдирмалар тарқатишдан мақсад нима?" сарлавҳаси остида матбуотда эълон қилган хатини ўқиб ғоятда таъсирландим.

СОХТА ШОВ-ШУВГА КИМ ИШОНАРДИ?

Дарҳақиқат, муаллиф таъкидлаганидек, Андижонда юз берган воқеаларни ёритишда Би-Би-Си, "Озодлик" радиолари, Ғарбдаги бир қатор ОАВ вакилларининг кураклда турмайдиган гаплар, тасдиқланмаган, бўҳтондан иборат ахборотларни тарқатишгани халқимизнинг ҳақли равишда эътирозига сабаб бўлди. Халқимизда, ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога, деган ибратли гап бор. Минг афсуски, Андижон воқеалари юзасидан уйдирмалар тарқатаётган ана шу журналистларнинг баъзилари ўзбек миллатига мансуб.

Мени бир нарса ажаблантиради, Андижондаги террорчилик ҳаракатларини ёритишга қўл урган ҳар қандай журналист, сиёсатчи 14, 17, 25 май кунлари Президентимизнинг журналистлар билан бўлган матбуот анжумани, Бош прокуратурада бўлган брифингда ҳамда Хитой сафари олдидан берган интервьюлардаги ҳақиқий маълумотлардан фойдаланса бўларди-ку? Йўқ, бузғунчи мақсадлар билан яшаётган, пулнинг кетидан қувган "шоввозлар" бундай қилишмади. Қолаверса, воқеани ўз кўзи билан кўрмай аюҳаннос солаётган журналистларнинг инсонлар ҳаёти, фожеаси, тақдири эвазига сохта шов-шув қилаётганлигини мутлақо оқлаб бўлмайди.

Ҳамшаҳримиз Анфим Хлизов ёзганидек, бундай сохта баёнот ва мақолаларнинг ташкилотчи ва муаллифлари, ҳатто бирон-бир ишончли ахборот манбаини топишга, бир фактни иккинчиси билан боғлашга уриниб ҳам кўрмаган, ҳеч бўлмаганда воқеаларнинг тафсилоти, уларнинг ривожланиши ва узвийлигини хаёлан ўзича тасаввур қилиб кўрмаган. Фикримча, улар тарқатаётган ахборотларга ўзлари ҳам ишонишмаса керак.

Комил МУҲАММАДИЁРОВ,
Тошкент шаҳри.

Бир мурожаат таҳлили

ВАКОЛАТ ТУГАГАЧ, ШИКОЯТГА НА ҲУЖАТ?

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ва ниҳоят 2003 йилнинг декабрь ойида маҳаллада ўтказиладиган сайлов олдидан шикоятчининг бундан кейин бу вазифада қолиш-қолмаслиги борасидаги гаплар баёни бошланган шикоят моҳияти аён бўла бошлади.

Шикоятнинг қолган уч вароғи юқоридаги масала юзасидан, яъни Х.Итолмасованинг бундан буён масъул котиблик вазифасида ишлаш-ишламаслиги борасида шикоятчининг, бўлинма раисининг, маҳалла оқсоқолининг ва яна бир нечта фуқароларнинг "деди-деди"лари баёнидан иборат. Маҳаллада ўтган сайлов ҳақидаги фикрларда ҳам "у ундай деди, бу бундай деди" қабилидаги гаплардан нари ўтиш йўқ. На бирон ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган, на шикоятчи ёки бошқа мутасаддининг ушбу масала юзасидан тегишли қонун бандларидан хабардорлиги сезилади. Шикоятчи узундан-узоқ шикоятида бўлинма раиси, маҳалла оқсоқоли, посбони, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, котибининг шахси ва фаолияти ҳақида анча салбий фикрлар билдирадики, бу фикрларнинг ҳеч бири далил, асос, факт билан тасдиқланмаган. Х.Итолмасованинг баёнидан дарҳақиқат, маҳаллада шикоятни битувчидан бошқа ишга ярайдиган киши йўқ экан-да, деган хулосага келиш ҳам мумкин. Қисқаси, шикоятчи ўзини нотўғри ишдан бўшатилган деб ҳисоблайди. Юқоридаги шахсларнинг ўзига қарши, ҳаттоки, сирли хатти-ҳаракат қилганларини таъкидлайди. "...Мени лақиллатишди, овора-сарсон, изза қилишди. Маҳалла аҳли ўртасида уятли, мулзам бўлиб қолдим. Мақсадим — ишдан бўшатилишим сабабини аниқлаш, ваъда қилинган хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислигига мен эмас, З.Нурхонова тайинланганининг сабабини билиш, шунингдек, масъул котибликка яна бир бор тикланиб, одамлар кўз ўнгида атиги бир ой бўлсада ишлаш. Майли, бир бор тиклашсин, бор-йўғи бир ой ишлаб, айбсиз, ноҳақ бўшатилганимни исботлагач, ўзим ариза бериб бўшаб кетаман..."

Мана шунча гап бор, бу хатда. Аммо маҳалла масъуллари фаолиятида асосий қоида бўлган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида бир оғиз гап йўқ. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, Фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид мавжуд иккита қонунда фуқаролар йиғинлари раҳбарлари 2,5 йил муддатга сайланиши қайд этилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунининг 13-моддасида фуқаролар йиғини раисининг ваколатлари тўғрисида шундай кўрсатилган: "Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун уларни фуқаролар йиғинига тақдим этади." Демак, воқеага якун шундай: шикоятчи Хурсанд Итолмасованинг масъул котиблик лавозимида ишлаш ваколати мавжуд қонун ва бу борада белгиланган меъёрий ҳужжатларга кўра ўша сайлов ўтган кунда тугаган. Ҳеч ким уни ишдан озод этмаган ва ҳеч ким қайта тайинламайди. Бордию, агар бу ўринда қонун бузилса, бошқа гап. Шикоятчининг фаолияти эса бу ҳолгача етиб келмаяпти. Унинг номзоди оқсоқол томонидан бу вазифага қайта қўйилса ва йиғилиш қатнашчилари томонидан тасдиқлансагина, у масъул котиблик вазифасидаги фаолиятини давом эттириши мумкин.

Хат муаллифи ўзининг масъул котиб бўлиб ишлаётганлиги сабабини аввало ўзи англамай, шикоят ёзиб, натижа кутиб турли ташкилотларни овора қилгунча ва яна улардан кўнгли қолиб юргунча ўзининг фаолиятига оид мана шугина жумлани ўқиса олам гулистон эди. Бор гап шундан иборат. Хат муаллифи "Мақсадим — ишдан бўшашим сабабини аниқ қилиш..." деб ёзади. Таҳририят бу ҳолатга қонуний тарзда аниқлик киритди, деб ўйлаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

Иш билганга минг танга

ҲОВЛИНГИЗДАГИ ЕРГА НИМА ЭКДИНГИЗ?

ҲОСИЛДОРЛИК СИЗНИ ҚАНОАТЛАНТИРАЯПТИМИ ЁКИ...

Ер — бебаҳо хазина. Унга кўнгил қўйган одамнинг рўзғори бут, дастурхони тўкин бўлади. Ҳаёт дангаса ва ишёқмас, ялқов ва текинхўрни барибир жазолайди. Тўғрисини айтганда интилиш ва изланиш, ташаббускорлик ва меҳнатсеварлик йўқ жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Баъзи фермер ва ширкат хўжаликларида ерга муносабатнинг ёмонлиги туфайли ҳосилдорлик камайиб кетаётганлиги сир эмас.

Оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳам тадбиркорликка бориб тақалади. Кимдир шаҳарда яшаётганлигига қарамай кафтдеккина ердан миллион-миллион сўмлаб даромад олса, қишлоқда яшаётган бир ялқов ўзига тегишли бўлган гектарлаб еридан оқилона фойдаланиш ўрнига баҳона ахтариб ночор аҳволда ҳаёт кечираяпти. Оқибатда оилада етишмовчилик юзага келаяпти. Ердан кўпроқ ҳосил олишни ўйламаган бундай валломат кези келганда идорама-идора юриб, фарзандларининг кўплиги учун ёрдам сўрашдан уялмайди. Халқимизда "қўлдан берганга қуш тўймас" деган нақл бор. Жон қойитиб меҳнат қилмасангиз роҳатланиб яшаш қаёқда дейсиз?!

Жамиятда ана шундай бепарво ва лоқайдларнинг борлиги айрим оилаларнинг эмас, ҳатто бутун бошли хўжаликнинг қолоқлик гирдобига тушиб қолишига сабабчи бўлади.

Шаҳарлик бир дўстим қишлоққа меҳмон бўлиб келди. Ҳали ҳеч нарса экилмай турган ўн сотих ернинг бўш ётганлигини кўриб афсус билан бош чайқади.

— Эссиз ерлар... Қанча одамнинг ризқу насибасини бераман деб турибди-ю, бунга ишлайдиган биргина қаҳрамон топилмаса.

— Сув тақчиллиги туфайли экилмай қолиб кетгандир ёки экиш учун маблағи етмаётгандир. Бекордан бекорга бировни айблаш тўғри эмас, — дедим ер эгасининг тарафини олиб.

— Шаҳарда агар шунча ери бор одам бўлса, бир йилда бойиб кетади. Ер тагидан қувур ташлаб бўлса ҳам сув чиқариб экин экиш мумкин-ку. Ерга экиш учун техниканинг асло зарурати йўқ. Ҳар куни эрталаб тонгда бир сотих, қуёш ботар маҳали яна бир сотих ерни ағдарма чопиқ қилиш унчалик оғир иш эмас-ку. Ҳам бадан чиниқади, ҳам соғлиққа фойда.

Ўйланиб қолдим. Озгина ерга озгина меҳнат керак. Ер деганлари шундай мурувватлики, унга қилинган меҳнат беҳисоб бойликни етаклаб келади. Ўша бойликларга эришиш учун ҳар бир инсон тадбиркор бўлиши талаб этилади. Оилада меҳнатга муносабатнинг яхшиланиши фаровонлик сари катта имкон яратади. Фарзандлар ҳам меҳнатга меҳр қўяди. Ерга экилган ҳар бир ниҳол меҳр билан парвариш қилинса, у ўз соҳибини ҳеч қачон қуруқ қолдирмайди.

Деҳқончилик қилиб оиласини тебратаётганлар сахий ернинг имкониятларидан унумли фойдаланмоқдалар. Ишёқмас одамлар бу дунёдан нолиб, кимларнидир айблаб ўтиб кетмоқдалар. Ер ўз ноз-неъматлари билан меҳнаткаш инсоннинг пешонасини силайди, чеҳрасига тиниқлик, кўзларига нур, сўзларига мазмун бағишлайди.

Ҳовлингиздаги бўш қолган ерга нима экдингиз? Ўша етиштирилган маҳсулотларнинг ҳосилдорлиги сизни қаноатлантираяптими?! Бу саволларга ҳамма ҳам "кўнгилдагидек" деб жавоб беролмайди. Чунки оилада ер бўлгани билан баъзан унга жон қойитиб ишлайдиган заҳматкаш топилмайди.

Демак, фаровонликни таъминлаш ҳар кимнинг ўз қўлида. Деҳқончиликка меҳр қўйган одамнинг хонадони аъзолари ҳамиша тўкис ҳаёт кечиради. Ана шундай ерни севадиган одамлардан ўрнак олсангиз бирингиз икки, ризқингиз бутун бўлади.

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

... Мирзабек табиатан гул шайдоси. У Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош терапевт-ҳакими, олий тоифали мутахассис, қаерда ишламасин, ҳовлини гулзор қилмаса кўнгли жойига тушмайди. "Кўз қувнаб, дил яйрайдиган жойда касаллик тезроқ қувилади", — дейди Мирзабек.

"ҚАНГЛИ-ШИФО"

Ташландиқ, қаровсиз бирор қарич ер кўрса ўзини қўярга жой тополмайди у. Шундан бўлса керак, Жиззах шаҳридаги Ёшлик маҳалласи ҳудудидан 10 сотих жой олиб, хусусий шифо маскани тиклашни олдига мақсад қилиб қўйди. Таклифни маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва фаоллари қувватлашди. Ер ажратилиб, 2003 йилнинг 1 июнида шифо маскани биносининг биринчи ғишти қўйилди.

Мирзабек Давронов туғилиб ўсган, шаҳарга туташ Қангли қишлоғи аҳли бундан кўпроқ суюнди ва ҳашарга отланишди.

Жорий йилнинг 1 мартида саломатлик маскани иш бошлади. Уни "Қангли-шифо" даволаш-ташхис маркази дея аташди. Олий тоифали ҳаким Ражабали Ўролов бош ҳаким этиб тайинланди.

Ички касалликлар бўйича ихтисослашган бу саломатлик масканида 18 нафар малакали тиббиёт ходимлари меҳнат қилишади.

"Кангли-шифо" хусусий масканида даволаниш унчалик қиммат эмас. Фирма ходимлари томонидан сифатли тиббий хизмат кафолатланган. Ишлатилган дори-дармон қатъий калкуляция орқали амалга оширилади. Ҳозирча 16 нафар беморнинг доимий, 4 нафарининг эса кундузги ўринларда даволанишлари учун имконият яратилган. Бир босқич — 12 кунлик даволаниш учун бемор 50 минг сўм атрофида пул тўлайди, холос. Бунга уч маҳал иссиқ овқат, парҳез таомлар, дори-дармон, клиник, биологик таҳлиллар, мутахассислар маслаҳати ва бошқа хизмат ҳақлари ҳам киритилган. Беморлар учун дам олиш жойлари, ҳаммом, телефон тармоғи ишлаб турибди.

— Ўтган қисқа муддатда 48 киши масканимизга мурожаат этди, — дейди бош шифокор Р.Ўролов. — 30 киши даволаниб чиқди. Кунлик ўртача харажат ҳар бир беморга 4 минг сўмга тўғри келаяпти.

Хусусан, шифо маскани ҳовлисини кузатар эканмиз, мўъжазгина боғ ва гулзор барпо этилганига гувоҳ бўлдик. Ниҳоллар барг ёзиб, борлиқ яшилликка бурқанмоқда. Яна бир хушхабар қулоққа чалиниб қолди: "Тиниб-тинчимас Мирзабек шу масканда 10 минг туп атиргул кўчати етиштириб, таниш-билишларига, барча гул шайдоларига бепул улашиб юборганмиш". Буни эшитган ошна-оғайнилари, "Оббо шоввоз-э, бор бўлсин Мирзабекнинг шундай одати", дея мийиғида жилмайиб қўйишди.

СУРАТДА: "Қангли-шифо" маскани шифокори Муқаддас Дувланова беморни қабул қилмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ

Олам турфа

ТРАКТОР ОҒЗАКИ БУЙРУҚНИ БАЖАРАДИ.

Маълумки, ҳозирги даврни электроникасиз тасаввур этиш қийин. Бу ворада японлар анча илгарилаб кетишган. Ҳозирги оғзаки буйруқ бажарувчи транспортларни яратиш устида иш олиб боришмоқда ва бунга эришишди ҳам.

Охиро Ямасуки. Иқтидорли муҳандис. Одатдаги керосинда ишловчи у яратган трактор модели оғзаки буйруқ билан иш бажаради, яъни двигатель ўт ол, деса бас, ўт олади, юр, деса юради, ўнгга, чапга, орқага, қўйингки, ҳамма гапга "тушунади".

Бироқ трактор доим буйруқни индамай бажаравермайди. Агар унда ёнилғи тугаётган бўлса, қизил чироғи ёнади ва "Ёнилғи тугаяпти" деган сўзни токи двигателни ўчириб қўймагунча ёки унга ёнилғи қуймагунча қайтараверади.

ТЎРТАЛА ҒИЛДИРАК ҲАМ БУРИЛАДИ

Американинг "Женерал моторс" корпорацияси 1996 йилдаёқ ўтказмоқчи бўлган синовни ҳозирги кунда япониялик машинасозлар ўзлаштирмоқдалар, уларнинг янги ишлаб чиқараётган машиналарида тўрттала ғилдирак ҳам қайрилади.

1985 йилда янги конструкциядаги шассидан фойдаланган "Ниссан" компаниясидан кейин бу янгиликни Японияда иккита —"Хонда" ва "Мазда" фирмалари қўллашмоқда. Янги автомобилларнинг ҳайдовчилари ҳар қандай йўлларда ҳам машинани буришда қийналишмаяпти. Бу эса янги машинанинг чидамлилигини оширмоқда.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Кураш

Фарғона вилояти

ВОДИЛДА ХАЛҚАРО ХОТИРА ТУРНИРИ

Фарғона туманининг маркази — Водил қишлоғи ўзининг бетакрор гўзал табиати, зилол сувлари, азим чинорлари, жаннатмакон боғлари билан бирга полвонлари билан ҳам машҳур. Бу ердан Ҳамиджон Тешабоев, Темиржон Мамажонов сингари устоз полвонлар етишиб чиққан. Улар ҳаётлик даврида ўзбек миллий курашини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўзларидан яхши ном, эл-юрт ишига камарбаста фарзандлар, кўплаб шогирдлар қолдирди.

Яқинда туман марказидаги "Чинортаги" маданият ва истироҳат боғида юқорида номлари кўрсатилган водиллик ҳар иккала полвон хотираси учун спортнинг миллий кураш тури бўйича Хотира турнири ўтказилди. Унда Республикамизнинг турли вилоятларидан, қўшни Тожикистон ва Қирғизистон Республикаларидан 300 дан ортиқ таниқли полвонлар қатнашди. Тадбирни ўтказишга Фарғона тумани ҳокимлиги, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг вилоят кенгаши, полвонларнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, дўстлари ҳомийлик қилишди. Турнир ташкилотчилари бўлган Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон халқаро кураш институти, Кураш миллий федерацияси ва ассоциацияси сингари қатор нуфузли ташкилотлар вакиллари ҳам қизиқарли беллашувларни томоша қилиш учун истироҳат боғида тўпландилар.

Мусобақанинг финал босқичида Қодир Хирзоқов, Мадамин Салаев, Асилбек Эгамбердиев, Ихтиёр Эгамов, Зоҳид Жумақулов, Шерзод Мирзаев, Оятилло Ҳакимов сингари полвонлар биринчиликни эгалладилар.

Голибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири

Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маҳалла посбонлари ҳақида ҳикоялар

ФАОЛИЯТ НОМИГА ЭМАС

Қовунчи маҳалласида бўлиб ўтган бу воқеага анча бўлган бўлса ҳам одамлар уни унутишгани йўқ, келди-кетдиларга ҳушёрроқ бўлиб қолишди.

Кейинги пайтларда маҳаллага бир бегона машина тез-тез кириб чиқадиган бўлиб қолганини кўрган маҳалла посбони Носиржон Рисқиев пайт пойлаб уларнинг тўхтаган жойига келди. Улардан маҳаллага нима иш билан келганликларини сўраши билан, машинадан иккитаси тушиб уни дўппослашга тушиб кетди. Авваллари спорт билан шуғулланган қўл келдими, уларга куч бермади. Улар кетма-кет еган таёқларидан сўнг машина ичига қочиб кириб, жўнаб қолишди. Носиржоннинг ёдида фақат машина номери қолди, холос. Тезликда туман ички ишлар бўлимига, сўнгра маҳалла оқсоқолига хабар берди. Уч кундан кейин маълум бўлишича, машинадагилар жиноятчилар бўлиб, уларнинг биттаси жазодан қочиб юрган экан. Шундай қилиб, бир жиноятнинг олди олинди, маҳалла аҳли эса бу гапларни эшитиб атрофга кўз-қулоқ бўлиб туриш кераклигини тушунди.

Маҳалла посбони ҳақидаги тушунча ҳаётимизга кириб келганига кўп бўлгани йўқ. Шўро даврида "дружиначи" деган навбатчилик бўлиб, қўлига қизил латта боғлаб номига кунни кеч, кечни тонг қиларди. Унда на масъулият, на жавобгарлик бор эди.

Яшириш керак эмас, яқин-яқинларгача элнинг тинчлигини таъминлаш, жиноятчиларни тутиш, тартиб-интизомни сақлаш фақат ички ишлар ходимларининг иши деб қараларди.

Тинчлик, осойишталик учун ҳамма бирдек жон куйдирмаса, оғоҳ бўлмаса, ёмон кўз билан қараётганларни вақтида илғамаса маҳаллада нотинчлик бўлади.

Мана шундай хайрли ишларда эса маҳалла посбонларининг ўрни бўлак. Посбонликка дуч келган одамнинг қабул қилиниши бу ишнинг масъулиятини пасайтириши билан бирга, обрўсини ҳам туширади. Шунинг учун аввало шу соҳага қизиққан фидойиларни ва жисмонан бақувватларни топиш керак. Баъзида шундай бўладики, бу ишга ногиронлик туфайли пенсияга чиққан ёки ишсиз юрган тасодифий одамлар ҳам қабул қилинади. Бу эса посбонларнинг номигагина иш юритишига олиб келади.

Уйғун маҳалласида Йўлдошхўжа Мусаев деган йигит посбон бўлиб ишлайди. У шунчалик кўп нарсани биладики, маҳаллада кеча ким нима билан шуғулланганидан тортиб, ким келиб кетганигача унга беш қўлдек маълум. Энг қизиғи, у бу гапларни дафтарига қараб эмас, ёддан айтади. Бунинг боиси, у кўп юради, кўп айланади.

Посбоннинг ички ишлар бўлими ходими билан алоқаси яхши бўлса, иккаласи бир-бирини тўлдириб, бир-бирини қўллаб-қувватласа, билингки ўша жойда жиноят илдиз отмайди.

Ҳамид НОРҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

Қишлоқ қиёфаси

Сурхондарё вилояти

ХОЛЧАЁНДА ЭЗГУЛИК ҲОСИЛАСИ

— Бугунги фаолиятнинг қуввати ҳаракат, манбаи эса инсонлардаги шижоат, тадбиркорликдир, — дейди Денов туманидаги Холчаён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шуҳрат Бобоев. — Ҳар бир киши ўзи учун, атрофдагилар, умумжамият учун наф келтиришни истаб ҳаракат қилади, ишлайди. Шунинг орқасидан турмуши ўтиб, рўзғорини тебратади. Бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғинимиз фаолияти билан танишаркансиз, умумишга бевосита ва бавосита алоқадор инсонлар ҳаётини кузатиб,тутган йўламиз нақадар тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Мавжуд 5 та маҳалладаги 2145 оилага бирлашган 9225 нафар одамларнинг ўз қувонч, ташвишлари бор. Холчаён, Қўшариқ, Қаралаҳ, Тегирмонариқ, Кўтэрка, Сариҳалқа қишлоқ маҳаллалари ҳам ўз тарихига эга.

Ҳа, қишлоқ йиғини таркибидаги маҳаллалар раислари Кўзимурод Шукуров, Абдужаббор Дўсанов, Болли Даминов, Саттор Турсуновлар билан суҳбатлашганимизда ҳудудда бир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Хусусан, Қорабоғтепадаги Аҳмаджон Шукуров номли маҳаллада олиб борилган ишлар диққатга сазовор. Халқнинг узоғини яқин, оғирини енгил қиладиган савдо, хизмат кўрсатиш ва маданий ўчоқлар шу ҳудудда жойлашган. Аҳолининг ичимлик сувига бўлган талаби ҳисобга олиниб, 11 та артезиан қудуғи қазилган. Энди навбат табиий газга... Оқсоқол бошчилигида тадбиркорлар, фермерлар ва фуқаролар бир бўлиб маҳаллага табиий газ олиб келиш чораларини кўрмоқда.

Қишлоқда 13 нафар уруш фахрийлари, 100 нафардан ортиқ ногиронлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз ҳомийларга эга. "Наврўз", "Шароф", "Шерзод", "Абдумалик", "Сарвар" фермер хўжаликлари раислари Ўрал Бобоев, Хуррам Шодмонов, Тошмамат Омонов, Абдулатиф Самадов, Шароф Қобиловларнинг ҳомийлиги остида бундай инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиб келиняпти. Шунингдек, уларнинг кўмаги билан 12 нафар болаларга суннат тўйи қилиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллаларнинг ички йўлларини таъмирлаш кўп ҳолда йўлчилар зиммасига кирмайди, бевосита ҳалқнинг, маҳалла фаолларининг кучи билан амалга оширилади. Бу борада Қорабоғтепада 3 км, Қаралангда 2 км, Аҳмад Шукуров маҳалласида мавжуд 1,5 км йўл таъмирланди. Атрофга 2100 туп ниҳол ўтказилди. Холчаёндаги қабристон ободонлаштирилди.

Қорабоғтепадаги аҳвол ўрганиб чиқилганда 20 нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар борлиги аниқлангач, шу жойда дурадгорлик цехи ташкил қилинди. Тадбиркорлар кучи билан эса гилам тўқиш, кийим тикиш нуқталари очилди. Касаначиликни йўлга қўйишда тадбиркор Робия Эшбоеванинг алоҳида ҳиссаси бор.

Фақатгина айрим масалалар борки, бу ишни юқори ташкилотлар билан амалга ошириш керакдай кўринади. Биринчи навбатда қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, табиий газ олиб келиш масалалари. Ёки аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини тўлиқ ишга жалб этиш ва бошқа масалаларда фуқаролар йиғини мутасадди ташкилотларнинг, туман ҳокимлигининг кўмагига умид боғламоқда. Умуман, Холчаён қишлоқ фуқаролар йиғини ҳазорбоғликларга эргашиб ишламоқдалар. Ҳазорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинида эса аҳвол кўнгилдагидек. 7 маҳалла, 17 қишлоқни ўзига бирлаштирган қишлоқ йиғини ҳудудидаги 24 мингга яқин аҳолининг туриш-турмуши шу кун талаби даражасида. Маҳалла хонадонларининг 98 фоизи газлаштирилган, 93 фоизи ичимлик суви билан таъминланган. Тасмасой, Жаматак маҳаллалари қабристонлари ободонлаштирилган. Тасмасойда ўқув-тикув курси ташкил этишда маҳалла фаолларига туман меҳнат бўлими алоҳида ёрдам кўрсатди. Ҳозир бу ерда 15 нафар хотин-қизлар ҳунар ўрганаяпти.

— Тадбиркорлар фаолиятини бугунги ҳаётимиз билан боғлаётганлиги ишимизнинг олға силжишига замин яратаяпти,– дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Фурқат Асланов.–Барака топсин, Жаматақдаги фермер хўжалиги раиси Хурсанд Мирзақулов гузар қурилишини бошлаган бўлса, Ҳазорбоғдаги гузар бир неча ойдирки, фуқаролар хизматида. Янги Ҳазорбоғ маҳалласилик тадбиркор Наргиза Қамбарова тикув-бичув корхонаси ташкил этди. Қисқаси, қишлоқ йиғини ҳудудида 24 фермер хўжалиги раислари доимо элюрт ташвишида. Дарҳақиқат, маҳалла иши кўпнинг ишидир. Баҳорда кўчат экишдан бошланган хайрли ишлар бугун ҳам давом этаяпти. Аҳоли жон бошига ўтқазилган 24 минг туп мевали дарахт ниҳоллари кун сайин авжланиб боряпти. Икки-уч йил ўтиб ҳосилга ҳам киради. Инсон ҳаёти ҳам шундай. Бугун кўрсатилган меҳр-муҳаббат, мурувват бориб-бориб ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Омон ШУКУРОВ,
Парда НАЗАРОВ.

ЭКИНЗОРЛАРДА АЙНИ МЕҲНАТ ФАСЛИ

Хоразм вилояти

Айни пайтда экин далаларида иш қизғин паллага кирган. Миришкор деҳқонларимиз бир томондан ғўза парвариши, иккинчи томондан эса ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилини йиғиб олиш ишлари билан банд.

Қўшкўпир туманидаги фермер хўжаликлари аъзолари ҳам бу йилги экинлардан юқори ҳосил олишга умид боғламоқдалар. Шу боис улар айни кунларда оила аъзолари билан пахта ва ғалла майдонларига чиқиб эртаю кеч меҳнат қилишаяпти.

СУРАТЛАРДА: *"Шермат Аваз" фермер хўжалиги раиси Султон Шерматов (чапдан) ва хўжалик аъзолари ғўза парвариши билан шуғулланмоқдалар (биринчи сурат)*

Ушбу хўжалик аъзоси Умид Шерматов ғаллазорда (иккинчи сурат).

Қўшкўпир туманидаги "Гулистон" фермерлар бирлашмасига қарашли "Вафо Латиф" фермер хўжалиги аъзолари ака-ука Музаффар ва Мағрур Латиповлар ғўза майдонида.

Қадам ОТАЕВ олган суратлар.

ВАТАН АСЛИ НЕДИР...

Киндик қоним томган тупроқ — менинг ватаним,
Ҳар бир дарахт, ҳар бир япроқ — менинг ватаним,
Сув ичганим зилол булоқ — менинг ватаним,
Гўзал жайрон юрган ўтлоқ — менинг ватаним,
Булбул ошён айлаган боғ —
менинг ватаним,
Арслон, йўлбарс кезган овлоқ —
менинг ватаним.

Инсон кўнглин обод айлар меҳр-ла дийдор,
Ҳар бир дилда Ватан, юрт туйғуси бор,
Ҳар ким фақат ўз элида бўлур бахтиёр,
Ҳар ким ўз Ватани билан қилур ифтихор,
Мовий, оқ ва яшил байроқ —
менинг ватаним,
Ўзбегим белида белбоғ —
менинг ватаним.

Она юрт зврраси, чанг-ғубори муқаддас,
Армонлар кўмилган ҳар мозори муқаддас,
Ватан меҳрин қўй, ҳатто озори муқаддас,
Косиб ила деҳқонлар бозори муқаддас,
Деҳқон қўлидаги қадоқ —
менинг ватаним,
Пири комил берган сабоқ —
менинг ватаним.

Кимнинг ким-ла васли рўзи Маҳшарга қолди,
Эйвоҳ, кимнинг умри биллур соғарда қолди,
Кумуш жони Зайнаб тутган заҳарда қолди,
Фурқат руҳи бунда, тани Қашқарда қолди,
Мангу ҳижрон битик қирғоқ —
менинг ватаним,
Дугоҳ, Сегоҳ, Наво, Ироқ —
менинг ватаним.

Мирзо ҚАЙНАРОВ,
"Маҳалла" жамғармаси Сардоба тумани бўлинмаси раисининг ўринбосари, меҳнат фахрийси.

Саньат олами

ЎЗБЕК ДЎППИЛАРИ

Ўзбек миллий кийимлари орасида энг кўп тарқалгани ва айтиш мумкинки, энг умрбоқийси — дўппи.

Дўппидўзлик Ўзбекистонда халқ амалий-бадиий санъатнинг энг қадимий ва кўп тарқалган шаклларидан бири бўлиб, ўз навбатида каштачилик санъатининг энг оммавий тури ҳамдир. Дўппи ўзбек миллий бош кийими бўлиб, халқимиз орасида Андижон, Қўқон, Бойсун, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Чуст дўппилари сифатида маълуму машҳур. Бу дўппилар ўзининг тикилиши ва безаги билан бир-биридан фарқ қилади.

Дўппиларнинг хилма-хиллиги — қуббасимон, тўртбурчак, думалоқ, гумбазсимон шакллари, уларга тикилган кашталарнинг безаклари — баъзан тўрсимон, баъзан йирик рельфли (бўрттириб солинган сурат), баъзан гиламга ўхшаб тус олиши, турли рангларда жилоланиши ўзбек миллий кийимининг хилма-хиллигини кўрсатади. Дўппиларнинг устки қисми ва жияги гулдор геометрик нақшлар билан яхлит тагдўзига гоҳида тўгараклар, гоҳида гул шохлари шаклида тикилади.

"Чуст дўппи", "Ироқи дўппи", "Гилам дўппи", "Чакма тур", "Пилтадўзи", "Зардўппи", "Қўқон дўппи", "Наманган дўпписи", "Андижон дўпписи", "Фарғона дўпписи" деб аталган дўппилар милий бош кийимининг энг миллий турлари ҳисобланади. Бу дўппилар чиройли қилиб тикилиши ҳамда турли-туман гул нақшлари билан бир-биридан ажралиб туради. Масалан, энг кўркам ва кенг тарқалган Чуст дўпписининг қора таглигига оқ ипакда "Қалампир" нусхаси солинади. Шуниси қизиқки, бундай дўппиларнинг гули бири иккинчисида қайтарилмайди. "Қалампир" нусхасининг ҳар доим ранг-баранг усулда тикилиши Чуст дўппиларига ҳам хосдир. Чуст дўпписи маҳалли аҳоли ўртасидагина машҳур бўлиб қолмай, хорижий мамлакатларда ҳам донг таратган. Гилам дўппининг усти ёппасига тикилган жуда бой ва ёрқин безаклар билан сайқалланган бўлади. Тошкентда тикилган дўппиларда эса чиройли гулдасталар оқ фонга жойлаштирилади. Тошкентнинг Ироқи, Чоргул, Тақдўзи, Оқпар ва Нозик, яъни, Тошкент бадиий буюмлари корхонаси чеварлари тиккан дўппилар алоҳида ўрин эгаллайди.

Шаҳрисабзнинг Ироқи дўпписи ўзининг юксак бадиий хусусияти ва тикилиши жиҳатидан ажралиб туради. Шаҳрисабзнинг қўли гул чеварлари "Санама", "Чизма", "Роҳат", Қашқаргул, "Намозшомгул", "Гултожихўроз", "Тиллақош", "Шопарчин", "Аноргул" нусхали дўппиларни жуда гўзал ва нафис қилиб тикканлар. Зардўзлик санъатининг айни гуллаган чоғида дунёга келган Бухоро Зардўпписини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак.

Бухоро Зардўпписи қимматбаҳо тошлар, марвариду дурлар, пистонлари бахмал, мовут ёки сатин каби рангдор газламалардан қилинган таг асосга заррин иплар билан тикиб тайёрланади. Кўпинча бундай дўппилардаги нақш ва безакларнинг мўллигидан таг асосдаги газлама ранги кўринмай кетади. Юртимизнинг жанубига хос бўлган бу дўппи нусхаси ҳозирги пайтда Самарқанд ва Бухорога, Душанбе ва Помирга қадар кенг тарқалган. Шакли ҳамда газламасида ўхшашлик бўлишига қарамасдан, Бойсун ва Помирнинг каштали дўппилари ҳам ўзига хос безаги шакллари билан бир-биридан ажралиб туради.

Қизларимиз бошида ёқутдек товланиб турувчи "Наврўз", "Раъно", "Мажнунтол", "Гулноз" каби машҳур дўппилар бухоролик чеварлар маҳсулидир. Бу зардўппилар ҳозирги кунда эъзозланиб, тўй-маросим либосларидан бирига айланган.

Шаҳрисабзлик чеварлар тайёрлаган Ироқи дўпписи XIX асрнинг 80-йилларида ҳамда XX асрнинг 30-50-йилларида кўпчиликнинг диққатини ўзига тортган.

Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир хорижлик меҳмон, сайёҳ ҳам албатта ўзбек дўпписини олмасдан кетмайди. Ўтган асрда ўзбек миллий кийимлари, хусусан, дўппилар хорижий давлатларда ташкил этилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилиб, юксак баҳоланган.

Тарихий маълумотларда, хусусан, "Таржимон" газетасининг 1899 йил 10 сонида "Ўрта Осиё (Ўзбекистон)да тайёрланган чиройли, нафис ва ранг-баранг гулларга бой дўппилар 1873 йили Вена шаҳрида, 1882 йили Москвада, 1883 йили Амстердам шаҳрида ташкил этилган жаҳон кўргазмаларида, 1889 йили Париж, 1896 йили Нижний Новгород кўргазмаларида бир неча бор намойиш этилиб, ўнлаб олтин, кумуш, бронза нишонлари, фахрий ёрлиқ ва дипломлар билан тақдирланган"-лиги қайд этилган.

Ўзбекистоннинг машҳур дўппилари кейинги йилларда ҳам — 1937 йилда Парижда, 1939 йилда Нью-Йоркда— ўтказилган жаҳон кўргазмаларида, 1960-1990 йилларда Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Франция, Бельгия, Япония, Германия, Швецария, Югославия мамлакатларида ташкил этилган кўргазмаларида намойиш этилиб, юксак баҳоланди.

Истиқлол йилларида Республикамизда халқ амалий санъатининг ҳар томонлама ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳунармандчиликнинг барча соҳалари қаторида каштадўзлик, зардўзлик ва дўппидўзлик ҳам янги шакл ва мазмун билан бойитилиб, ўзининг юқори босқичига кўтарилди.

Ҳа, ўзбек дўппилари ўзининг юксак бадиий хусусиятлари билан бундан буён ҳам кишиларни, айниқса хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни ром этиши шубҳасиз.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Айнан чоршанба ва пайшанба кунидаги янги маълумотларни қайта кўриб чиқишни унутмаслигингиз сиз учун фойдали.

СИГИР(22.04-20.05)
Сизнинг камчиликларингиз ўзгалар манфаати йўлида қўлланиши мумкин. Лекин ўзингизга бўлган ишончни йўқотманг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ўзингизни бошқа-ара олишингиз, режалар йўлидаги ҳаракатларингиз ҳафта давомида сизга омад келтиради.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ушбу ҳафтада оилавий муаммоларнинг қай йўсинда ҳал бўлиши сизнинг кайфиятингизга боғлиқ бўлиб қолиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Унча яқин бўлмаган танишларга ўз сирларингизни ошкор қилманг. Оила аъзоларингиз, дўстларингиз сизни тинглашга тайёрлар.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Тузилган шартномалар ҳафта ўрталарида ўз кучини йўқотиши мумкин. Бу ҳолатларда айниқса, асабларни асраган маъқул.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Атрофдагилар билан самимий муносабатларингиз сизнинг ютуғингиз. Ваъдалар ва ортиқча мажбуриятларни зиммангизга олманг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Дўстларингиз билан муносабатларни таранглаштириш ярамайди. Чунки бундан сиз кўпроқ азият чекасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Душманларингиз қизиққонлигингиздан фойдаланиб сизга катта талофатлар етказишдан ҳам тоймайдилар. Эҳтиёт бўлинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Ўзингиз ва ўз манфаатингизни юқори қўйишингиз оила аъзоларингиз ва ҳамкасблар ўртасидаги муносабатларга путур етказади.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ташвишларни енгиллаштирган ҳолда соғлиғингиз ҳақида қайғуришни унутмаслигингиз кўнгилхираликларнинг олдини олади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Муаммоларни яхши кайфият билан ҳал этиш сиз учун фойдали. Бу нарса ўз кучингизга ишонч туйғуларни уйғотиши мумкин.

Фарғона вилояти

ФАРҒОНАДА ЗАМОНАВИЙ САВДО МАЖМУИ

Яқинда бунёдкорлар Фарғона аҳлига янги қурилган замонавий бозор мажмуасини туҳфа қилишди. Қарийб уч гектар майдонни эгаллаган бу кўркам кошона фарғоналиклар луғатига "Савдо мажмуаси" номи билан кирди.

Мазкур савдо мажмуасининг лойиҳа ҳужжатлари Тошкент шаҳрини қуриб обод қилиш ва таъмирлаш бош лойиҳалаш институти томонидан ишлаб чиқилди. Асосий ишлар "Фарғона саноат қурилишмонтаж" фирмаси томонидан амалга оширилди. Катта бунёдкорлик ишлари атиги беш ойда ниҳоясига етди. Бу ерда савдо кўрсатиш ва ҳунармандлар учун 480 та дўкон жиҳозланди, юк сақлаш омбори ташкил этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мазкур савдо мажмуаси 1200 кишини иш таъминлади.

СУРАТЛАРДА: *Фарғона шаҳридаги янги савдо мажмуаси кўриниши. Савдо мажмуасидаги дўкон кўриниши.*

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Халқимизда "Ўт балосидан асрасин" деган нақл бор. Зеро ёнғинлар натижасида инсонларга етаётган зиён-заҳматлар ҳаммамизга маълум. Аслида ёнғин билан боғлиқ аксарият аянчли ҳодисалар кундалик турмушда одамларнинг бепарволиги, лоқайдлиги, масъулиятсизлиги оқибатида рўй бераётганини таъкидлаш жоиз.

ҲУШЁРЛИК ҲАР БАЛОДАН АСРАЙДИ

Ҳар йили ер юзида 4 миллионга яқин ёнғин содир бўлмоқда. Ёнғинлар асосан фуқароларнинг турар жойларида газли иситиш ва электр асбобларидан фойдаланишда, сигарета чекишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилмаслик ёки электр симларининг қисқа туташувлари ва ёш болаларнинг гугурт ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда.

Ҳар қандай ёнғин бу йўқотишдир, шунинг учун бор имкониятни ишга солиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари риоя этиш жоиз. Ёш болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик, уларга газ ва электр анжомларидан фойдаланишга рухсат бермаслик, гугурт ўйнашга йўл қўймаслик, носоз электр анжомларидан воз кечиш, эскирган электр симларини алмаштириш даркор. Агарда ёнғин чиққудай бўлса, дарҳол "01" телефон рақами орқали ўт ўчириш хизмати ходимларини ёрдамга чақириш керак.

Д.ЖАББОРОВ,
Мирзо Улуғбек тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходими.

19 июнь — Тиббиёт ходимлари куни

ШИФО МЕҲРДАН, ОҚИБАТДАН...

Раъно 1976 йилда Тошкент тиббиёт институтини тугатиб, интернатура амалиётини ўтаб, йўлланма билан Қарши шаҳридаги 2-вилоят касалхонасига ишга келди.

1992 йилда шифохона сиҳатгоҳга айлантирилди. Раъно бу ерда врач бўлиб қолди. Бир неча йил мобайнида етарли тажриба тўплаган қаҳрамонимиз даволаш бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Олий тоифали терапевт бугунгача ана шу вазифада узлуксиз ва самарали хизмат қилиб, шифохона бўлими бошлиғи сифатида устозлар ишончини оқлаб келаяпти.

Касалхонада асосан уруш ва меҳнат фахрийлари даволанишади. Улар учун барча шароит, дори-дармон етарли. Замонавий техника, асбоб-ускуна воситалари, лабораториялар-нинг мавжудлиги аниқ ташхис қўйиш, даволаш муддатини қисқартириш имконини бераяпти. Бозор муносабати эмасми, касалхонада хўжалик ҳисобидаги бўлим ҳам очилди. Бундан ҳам аҳоли хурсанд, ҳам "арғамчига қил қувват" деганларидек, оз бўлсада қўшимча даромад келаяпти.

— Шифокорнинг қувонч ва ташвишлари нимада? — сўраймиз Раъно-хондан.

— Биласизми, — дейди у узоқларга нигоҳ қадаб, — дастлабки қувонч сиздан нажот истаб келган беморларнинг даволаниб, дилдан миннатдорчилик билдириши. Иккинчидан, жамоанинг иноқлиги, жипслиги, бир-бирига оқибати, одамгарчилиги.

Бунда бош шифокоримиз Қаҳрамон Абзаловнинг хизматлари жуда катта. Биз даволаш сирлари билан бирга, кўпгина инсонийлик хусусиятларини ҳар доим у кишидан ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Шифокорлар одамлар соғлиги деб ҳузур-ҳаловатини, ҳатто оила ташвишларини унутишади. Уларнинг бири — Раъно-хон қарийб ўттиз йиллик иш фаолияти давомида минглаб оромгоҳларда дам олувчиларга йўлланма варақалари тўлдирибди-ю, ўзини ўйлашга вақт топа олмайди.

Японияда бир таҳсинга лойиқ одат бор экан. Тиббиёт ходимлари ҳар йил таътилга чиқиб мажбурий равишда даволанишга юборилар-кан. Қўллашга арзийдиган усул. Кўпгина ривожланган мамлакатларда ҳам бу ибратли тажриба қўлланилаяпти.

"Тўрт нарса ҳатто ўлик дилни тирилтиради: аввало ғамхўр устоз, кейин яхши дўст, вафодор турмуш ўртоғи ва доно ақл" деган экан донолар.

Қаҳрамонимиз Раъно-хон Ҳушвақтовада буларнинг ҳаммаси тўла мужассам. Боз устига ёшлигида танлаган, юракдан севган касби, беғубор қалби унга ҳаёт сафоси эшигини ланг очиб турибди.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

ESENYA
курилиш-инжиниринг фирмаси

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
☑ БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
☑ БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
☑ БАССЕЙНЛАР;
☑

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelsvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
DUNDAR CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00. Тел./факс: 152-13-01.

ҚУТЛОВЛАР...

Азиз отажонимиз **Абдуқодир Каримов!** Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Бахтимизга узоқ йиллар соғу саломат бўлинг.

Фарзандларингиз — Маҳбуба, Нилуфар, Нодир, Бобир.

Қадрдон дўстимиз **Алишер Нўнаев!**

Таваллуд айёминг қутлуғ бўлсин. Оилавий бахт, омад ва ютуқлар доимо сенга ҳамроҳ бўлсин.

Дўстларинг — Рўзиқул Шукуров ва Сайдали Наврўзов.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан "DILRIHS OIL" М.Ч.Ж.га 16 декабрь 2004 йилда берилган 000804 рақамли (Тартиб рақами 000804-10) юридик шахсни давлат рўйхатига ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастри томонидан Атажанов Абдуманноп Атажановичга 2003 йил 6 августда берилган TS 0005645 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна-берди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

9670 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-524
1 2 3 4 5
Топширилди —